

## ЭЛЕКТРОН ДЎКОН ВОСИТАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

*Фаррух Хусанов, Азизбек Ёрматов, Иномжон Юсупов*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети СБИ- 84 гуруҳ талабалари*

**Аннотация:** ушбу мақолада уставда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган тижорат банкларида электрон дўкон воситасида давлат харидларини амалга ошириш механизми ва уни ташкил этиш тартиби ёритилган.

**Калит сўзлар:** электрон дўкон, миллий дўкон, оммавий оферта, нархлар сўрови, ғолибни аниқлаш механизми.

Тижорат банклари электрон дўконда бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 000 бараваригача қийматдаги товарларнинг; бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат харидлари амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали тижорат банклари томонидан айна бир турдаги товарларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш 10 000 бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон орқали тижорат банклари томонидан айна бир турдаги ишларнинг, хизматларнинг давлат хариди бир молия йили давомида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача амалга оширилиши мумкин.

Электрон дўкон иштирокчиларнинг таклифларидан шакллантирилади. Иштирокчининг электрон дўконда қўйилган таклифи тижорат банкларига юборилган оммавий офертадир.

Иштирокчи томонидан электрон дўконда жойлаштирилган таклифдатаклиф этилаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) номи; сотиш нархи; товарнинг энг кўп ва энг кам тўпи; товарнинг русуми ва техник параметрлари (стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжат, техник паспорт); товарнинг фотосурати; товар етказиб бериладиган (иш бажариладиган, хизмат кўрсатиладиган) ҳудуд; товарни ишлаб чиқарувчи ва у келиб чиққан мамлакат тўғрисидаги ахборот; кафолат шартлари ва муддати тўғрисидаги ахборот; товар ишлаб чиқарилган йил (озик-овқатлар ва тез бузиладиган товарларнинг ишлаб чиқарилган куни, ойи, йили); товарнинг яроқлилиқ муддати (кун, ой, йил); ишни бажариш, хизматни кўрсатиш муддати; товарни (ишни, хизматни) мажбурий сертификатлаштириш талаб этиладиган ҳолларда мувофиқлик сертификати тўғрисидаги ахборот, шунингдек санитария-эпидемиологик, ветеринария,

ветеринария-санитария, фитосанитария хулосалари ёки экологик экспертиза ҳақидаги ахборот; қонунчиликка биноан лицензиялашнинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат олишнинг ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарномани юборишнинг мажбурий талаби мавжуд бўлган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжат ёхуд фаолиятни бошлагани ҳақидаги хабарнома мавжудлиги тўғрисидаги ахборот кўрсатилади.

Иштирокчининг офертаси у электрон дўконда жойлаштирилган пайдан эътиборан 15 иш куни мобайнида амал қилади. Ушбу муддат тугаганидан кейин иштирокчи уни яна 15 иш кунига активлаштиришга ҳақли.

Оферта давлат буюртмачиси томонидан акцептлангунга қадар иштирокчи офертани ҳар қандай муддатда чақириб олишга ёки унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

Тижорат банклари электрон дўконда иштирокчиларнинг оферталарини ўрганиш йўли билан ўзи учун зарур бўлган товарни (ишни, хизматни) танлайди ва товар (иш, хизмат) танланганидан кейин нархлар сўрови механизmidан фойдаланади.

Давлат харидларининг электрон тизими автоматик режимда, нархлар сўрови механизмини амалга оширган ҳолда танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига, шунингдек электрон дўконда ўхшаш товарларни (ишларни, хизматларни) таклиф этаётган барча иштирокчиларга харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш тўғрисида таклифлар юборилишини таъминлайди.

Иштирокчилар нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат харидларининг электрон тизими томонидан юборилган пайдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ўз таклифларини беришга ҳақли.

Иштирокчиларга юборилаётган нархлар сўровида иштирок этиш тўғрисидаги таклиф давлат буюртмачиси томонидан танланган иштирокчининг офертасига доир ҳаволани ўз ичига олади.

Харид қилиш тартиб-таомилида иштирок этиш таклифини олган иштирокчи давлат буюртмачиси томонидан танланган оферта нархидан пастроқ нарх бўйича таклиф киритишга ҳақли. Иштирокчилар томонидан берилган нарх бўйича таклифларни таққослаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик режимда амалга оширилади.

Давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва энг паст нархни таклиф қилган ижрочи ўртасида тузилган битимни рўйхатдан ўтказди. Иштирокчилар тўғрисидаги маълумотлардан давлат буюртмачиси ёки иштирокчилар яқунлар сарҳисоб қилинадиган пайтга қадар фойдалана олмайди. Ижрочининг номи ғолиб аниқланган пайтда давлат харидларининг электрон тизимида акс эттирилади.

Давлат харидларининг электрон тизими шартномани тижорат банклари томонидан танланган иштирокчининг офертасида баён этилган шартларга мувофиқ ҳамда иштирокчилар томонидан таклиф этилган энг паст нархда шакллантиради.

Харид қилиш тартиб-таомилларининг якунига кўра фақат танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчигина иштирок этган ҳолларда давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачисига электрон шаклда савдолашиш имконини берувчи сўровни юборади. Бунда тижорат банкларида танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчига у таклиф қилган нархдан пастроқ асосланган нарх сўровини юбориш имконияти пайдо бўлади. Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи бундай сўровни бир иш куни ичида қабул қилиши ёки рад этиши мумкин.

Танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилганда давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни давлат буюртмачиси томонидан юборилган сўров нархи асосида рўйхатдан ўтказди. Агар танлаб олинган офертани таклиф қилган иштирокчи нарх сўровини қабул қилмаса ёки рад этса, тижорат банклари ўз хоҳишига кўра мазкур иштирокчи билан шартномани расмийлаштириши ёки Қонун талабларига мувофиқ бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ёки энг яхши таклифларни танлаш орқали харидни амалга ошириши мумкин. Бунда жавобгарлик тижорат банкларининг зиммасига юклатилади.

Агар харид қилиш тартиб-таомиллари тугаганидан кейин бир иш куни ичида тижорат банклари томонидан нарх сўрови юборилмаса, давлат харидларининг электрон тизими давлат буюртмачиси ва ижрочи ўртасидаги битимни рўйхатдан ўтказди. Тижорат банклари томонидан нархларни ўрганиш давлат харидларининг электрон тизими ёки бошқа очиқ манбаларнинг маълумотларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, "Iqtisod-moliya". 2008.
2. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: "Iqtisod-moliya, 2012
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: "Шарк. 2010;804.
4. Malikov T, Haydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: "IQTISOD-MOLIYA. 2007.
5. Malikov T, Byudjet HN. O 'quv qo 'llanma. Toshkent: "Iqtisod-moliya. 2008;84.
6. У Уроков, Ф Сулаймонов. Значение электронного обмена информацией в деятельности хозяйствующих субъектов и вопросы его совершенствования. Экономика и инновационные технологии, 2014

7. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan." . International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
8. У Ўроқов, УШ Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби.- Science and Education, 2023
9. U Urokov. THE IMPORTANCE OF PROCUREMENT MODELS IN THE EFFECTIVE ORGANIZATION OF PUBLIC PROCUREMENT.- IMRAS, 2023
10. Uchkun Urokov. PECULIARITIES OF IMPLEMENTATION OF PUBLIC PROCUREMENT IN UZBEKISTAN THROUGH THE AGREEMENT PROCEDURE. JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMENT. 2023
11. N Tashmatova, U O'roqov. XALQARO TASHKILOTLAR VA DAVLAT XARIDLARINI TARTIBGA SOLISH: OSHKORALIK VA SAMARADORLIKKA YO 'LI.- Talqin va tadqiqotlar, 2023
12. Zarnigorxon Fazliddin qizi Nuritdinova, Uchqun Yunusovich O'roqov. DAVLAT XARIDLARINI AMALGA OSHIRISHDA JANUBIY KOREYA TAJRIBASI VA YASHIL DAVLAT XARIDLARINING TUTGAN O 'RNI. - SCHOLAR, 2023
13. Уроков УЮ. Чинкулов^ Р. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.
14. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
15. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
16. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
17. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today." . Market, money and credit" magazine. 2018(8).
18. Ўроқов У. Улутбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
19. О'роқов УҮ. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.:«Nihol print» ОК. 2022.
20. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
21. Ўроқов У. Давлат харидлари тизимида электрон харидлар ҳажмини ошириш масалалари.“. InЗамонавий молиянинг миллий ва халқаро долзарб масалалари”. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТМИ 2021.
22. Уроков УЮ, Чинкулов КР. Узбекистонда давлат харидларининг такомиллашувининг ҳуқуқий асослари.«. Халқаро молия ва ҳисоб» журнали. 2017.

23. Хайдаров Н. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. 2003.
24. Т. Маликов, Н. Хайдаров. Давлат бюджети. - Т.: "ИQTISOD-MOLIYA", 2007
25. N. Khaydarov. International experience of the development of tourism in Uzbekistan. - Интеграция. Эволюция. Устойчивость: пути ..., 2021